

ЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● 136 (2400)

● 1991 ЙИЛ 12 НОЯБРЬ

● СЕШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИЙИН.



«ТУЙНУГИНГ ДАН МҶУРАЛАЙ»

Шу йилнинг 7 ноябрь кунини бир неча номаълум шахслар Бухоро вилоятининг Тўқимачилик туманида

яшовчи 1900 йилда туғилган нафақахўр Х. Ш.нинг деворидан ошиб ўтишди. Туйнукдан мўралашса, ҳеч ким кўринмади. Бир соатлик уй «эгалари» 19 минг сўм нақд пул, тилла тиш қопламаси, газмоллар—жами 30 минг сўмлик буюмларни кўтариб ғойиб бўлдилар.

Самарқандлик В. Гусаков ачимсиқ ҳаддан уйғониб кетди. Эринибгина уривдан турди. Йўлакка чиқдию ёнаётган кўча эшигини кўриб, кўзларига ишонмади. Утни ўчиришга киришиб кетди.

ҚАСД

Ҳайриятки, уйқусида ҳам зийрак экан. Йўқса эшиксіз қолармиди.

ЗҶРЛИК

Мактаб ўқувчиси К. Жаъфаров кўчқисдан йўлини тўсган кўланкага бир муддат анграйиб қолди. Тошкент шаҳар чинни заводи иш-

чиси Б. У. пичоғини чиқариб, ундан пул ва қимматбаҳо нарсалар талаб қила бошлади. Бироқ унинг папкасида дарсликлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Милиция ходимлари кўп ўтмай зўравонни тутушга муваффақ бўлдилар.

Қарши тумани «Аврора» давлат хўжалигида тракторчи бўлиб ишловчи Т. К. байрамни ўзгача нишонлашга аҳд қилди. 7 ноябрь кунини оқшомга яқин турмуш ўртоғи билан «ҳокимият»

ЖАНЖАЛ

талашиб, оқибатда рафиқаси бўйнига пичоқ тортиб юборди.

УЧРАШУВ ВА ХАЙРЛАШУВ

6 ноябрда Чиноз туманидаги Мебел кўчасида учрашган А. Васильев ва

Н. Чахеевлар анча сан-манга боришди. 1968 йилда туғилган Н. Чахеев ёшлиғи учун «ташаббускорликни» қўлга олди. 1948 йилда туғилган А. Васильевнинг қорни ва бўғзига пичоқ санчди. А. Васильев ўша ердаёқ ҳаётдан кўз юмди.

7 ноябрь кунини Тошкент шаҳар Ленин тумани ҳудудида жойлашган «Олимпия» қаҳвахонаси ёнидан ўтиб бораётган А. Маматқуловга номаълум шахс пичоқ қилди. Иззат-нафсини ҳимоя қилган А. Маматқулов маст йўловчига муносиб жавоб берди. Аммо номард пичоғини ишга солди. Жабр-

ПИЧОҚЛИ НОМАРД

данувчи А. Маматқулов касалхонага етмай оламдан ўтди. Жиноятчи эса думини тутиб қочиш қолди.

М. ИБРОҲИМОВА.

Пўлларда автофалокатларнинг олдини олиш, уловларнинг техник носозлигини аниқлаш ДАНБ ходимлари зиммасига юклатилган. Ўз ишининг моҳир усталари бўлмиш йўл назоратчилари нигоҳидан бирорта ҳам қоида бузиш ҳоллари четда қолмайди.

СУРАТДА: (чапдан) Коммунистик тумани ИИБ ДАНБ назоратчилари милиция старшинаси Қаҳҳорбек Пўлатов ва милиция сержанти Баҳром Жўраевлар иш устида.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сураат.

ТАВБА...

Одам ҳам шунақа бўладими? Ҳе йўқ, бе йўқ, гулистонлик Турсунбой Ҳақимов рафиқаси Зуҳра Ҳақимованинг кўксига пичоқ санчиб юборса-я. Бир сабаби бордир, дерсиз. Бор. Хотини кечки нонуштага қуюқ оқат ўрнига суяғини қилган экан. Ана сизга сабаб. Т. Ҳақимовга саккиз йил беришди. Камми?

БОШИМ КАЛ

кўнглим нозик, деган мақолни биласиз. Бу Бахтиёр Абдурахмоновга жуда мос тушади. У Оқдўрғон тумани маиший хизмат кўрсатиш қорхонасида қоровул бўлиб ишлайди. Қоровулнинг қанча ойлик олиши маълум. Лекин Бахтиёр оч қорним, тинч қулоғим, дейдиганлардан эмас. Наша чекади. Топиш учун эса пул керак. Ойлик бунақа. Демак, ўғирлик қилиш — энг қулай йўл. Ўғирлик қилишга қилдию, бироқ наша чекнишга улгурмади. Аввал «ошпоқ» курсига, кейин «нурафшон» ҳаётга икки йилга кетди.

БАҲОНАНИ ҚАРАНГ

Абдулла Алимқулов эшик олдида суҳбатлашиб турган кўшниларига қуюқ салом бериб, ўтиб кетмоқчи эди. Табаррук каломнинг «асса...»сини айтишга улгурмай, кўшнилари, аниқроғи, Неъмат Муҳитдинов «алик» олди: «Нега ўғлинг кучугимни уради?»...

Ҳийлагина калтакланган А. Алимқулов милициядан нажот топди. Иш судга оширилди. Гулистон шаҳри халқ суди кучук эгасини икки йилга озодликдан маҳрум этди.

ИШ ҚУРОЛИ—ЧИЛВИР, ЛАТТА

Абдулла Дадажонов билан Холмурод Жўраев Тошкентнинг икки бурчагида яшашади. Уларни ҳаром пул топиш фикри бир-бирига боғлаб туради.

Хуллас, улар аввал Октябрь туманида яшовчи Л. Тошмухамедованинг қўл-оёғини чилвир билан боғлашиб, оғзига латта тикишиб, уйдаи 688 сўмлик бисот, яна 1000 сўмни олиб гум бўлишди.

Худди шу усул билан оқтеналик Б. Абдуллаева, А. Ўрозовларни ҳам «асир» қилишиб, 1360 сўмлик тилла буюмлар, 800 сўм нақд пулни қўйни-қўнжиларига солишди...

Уларга яна бир нарса насиб қилди. Тошкент шаҳар халқ суди ёмонлар учун асраб қўйгани — 16 йилни икковига тенг бўлиб берди.

Ҳ. МАҲКАМОВ.

МИЛИЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Дунёда шундай касб борки, уни эгаллаганлар аксарият ҳолларда диққат-эҳтибордан четда бўлишади. Баъзан эл-юрт осойишталиғи йўлида ширин жонларини хавф остига қўйишга тўғри келади. Шундай бўлсада, айрим кишилар уларнинг фаолиятига ҳадик ва ишончсизлик билан қарашади. Бу касб — милиционерликдир.

9 ноябрь кунини Ўзбекистон Жумҳурияти ички ишлар вазирлигида милиция кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Узоқ йиллар бу беҳаловат касбни ардоқлаган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган фахрийлар, айни пайтда бошқаларга намуна кўрсатаётган ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари тўпланишди.

Йиғилишни жумҳурият ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори В. Гусев қисқача кириш сўзи билан очди. Сўнгра ички ишлар фахрийси, олдин узоқ йиллар вазирликка раҳбарлик қилган Т. Жалиловга сўз берилди. Бу киши ўзи раҳбарлик қилган йиллар таассуроти билан ўртоқлашди, ўша авлоднинг бугунги ворислари зиммадаги масъулиятли вазифани шараф билан адо этаётганини алоҳида таъкидлади.

Худди шунингдек, Тошкентдаги ўрта махсус милиция мактабининг бошлиғи, милиция подполковниги Уткир Комилов ҳам анжуман иштирокчиларини қутлуг айём билан муборакбод этди.

Ниҳоят, Ўзбекистон Жумҳурияти ички ишлар вазири, милиция генерал-майори Зокиржон Алматов сўз олди.

— Қадрли ҳамкасблар, муҳтарам устозлар ҳамда азиз меҳмонлар! — деди вазири. — Бугун сизлар билан биргаликда ўзимизнинг анъанавий касб байрамимизни нишонлаш учун бу ерга тўпландик. Бугунги кунда сиз ва биз мустақил Ўзбе-

кистонда истиқомат қиляпмиз. Эндиликда зиммамизда жуда ҳам масъулиятли вазифа бор. У ҳам бўлса, ана шу буюк бахтни — мустақилликни кўз қорачиғидек асраш ҳамда мустаҳкамлаш. Бу борада ҳар бирингизга сабр-тоқат, ғайрат ва шижоат, каттадан-катта омад тилайман.

Аваллари ҳар бир муаммони юқорининг — ССЖИ ички ишлар вазирлигининг аралашуви билангина ҳал этиш имкониятига эга эдик. Энди эса ўзимизга, хизмат фаолиятимизга боғлиқ бўлган масалаларни бошқаларнинг иштирокисиз амалга оширишимиз мумкин.

Фахр билан айта оламаники, ҳозирги пайтда юртимизда оператив вазият тобора муқобиллашиб борапти. Бунда мана шу ерда ўтирган ҳар бир ходимимизнинг ўзига хос салмоғи бор.

Иккинчи томондан унутмаслик кераки, ўз маҳорати ва жасорати билан халқ ҳурматида сазовор бўлганлар сафларимизда талайгина. Аммо улар хизмат вазидан бу ерга ташриф буюра олмадилар.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳозирги тантанамизда иштирок этаётган ва иштирок эта олмаётган ҳар бир ҳамкасбимизни, узоқ йиллик фаолиятлари давомида орттирган тажрибаларини ўргатаётган фахрийларимизни байрам билан қизғин қутлайман.

Шундан кейин жумҳуриятимизда кўзга кўринган санъаткорлар томонидан катта байрам концерти намойиш этилди. Шерали Жўраев, Юлдуз Усмонова, Маҳмуджон Азимов, Фуломжон Еқубов, Нуриддин Ҳамроқуловларнинг ажойиб кўшиқлари, кулги устаси Мирза Холметовнинг ичакузди чиқиши ҳаммага яхши кайфият бағишлади.

Раҳмонали ҚОСИМОВ.

АКС-САДО

МУТЛАҚО ҚАРШИМАН

Қурматли «Поста» рўзномаси ходимлари!

Мен сизларнинг мухлисингиз сифатида мактуб йўлламоқдаман.

Шу йилнинг 22 октябрда босилган «Аёл аёллигича қолган» мақоласидаги фикрларга тўла қўшилган ҳолда қўнидагиларни билдирмоқчиман.

Мен «Меҳрибоним қайдасан?» мақоласини қайта-қайта ўқиб, ҳеч нарса туншулолмаганим. Муаллиф инқилобни фақат паранжи ташлаётгани учунгина қораломоқчимми? Албатта ҳозирги манбаалар инқилобнинг хато эканлигини кўрсатяпти. Бироқ бу ҳақда тўхталмоқчи эмасман. Мени лол қолдирган нарса бир гуруҳ фоҳшаларни деб бутун аёллар «руҳи»ни «бепарда»га чиқарган сўзлардир. Ахир беш қўл баробар эмас-ку. Қизниқ шу сўзларни ёзган муаллиф гапнинг бир учи ўзига ҳам тақалишини наҳотки ўйламаган бўлса. Яна бир томони муаллиф шоирлардан «меҳр-муҳаббат, ишққа ўралиб кярган» шеър сўраётгани ёки «Ошиқ ундан ёлғиз меҳр-ишқ сўрайди, аёл бу туйгуларни дарин тутганда ҳам, маъшук уни ҳақоратламай» деган «меҳрибон» сўраётганими? Шу ерда «ошиқ» ва «маъшук» сўзларининг маъносидан хатога йўл қўйилмаганмикин?

Мен келин бўлиб тушган хонадон соҳибаси — қайнонам неча йиллардан буён колхоз идорасида ишлаш билан бирга етти фарзандни тарбиялаганлар. Хўдога шукур, ҳаммаси одобли, билимли, меҳнатсевар. Уларга барчанинг ҳаваси келади. Фақат она бўлиш билан чекланиб қолмаганлар, бир касбнинг эгаси, яхши пазанда, оқила аёл. Мен қайнонамнинг барча фазилатларини ёзиб тугатолмайман. Шундай аёлларни «юзи, сўнг руҳи бепарда» қолган дейиш гуноҳи азимку!

Менинг назаримда «Меҳрибоним қайдасан?»нинг муаллифи ҳадеб «Хужум»га хужум қилавермай чинакам бепарда фоҳшаларга хужум қилса, кўпроқ нафси тегаринди?

Муяссар БОЗОРОВА,

ҚАЕРДАСИЗ, ОНАЖОН?



Яқинда таҳририятимизга сиз суратда кўриб турган аёл чамаси бир-бир ярим ёшли қизчасини кўтарганча кириб келди. Ўзини Нажие Меметова деб таништирди.

— Сизлардан ёрдам сўраб келдим, — деди соф ўзбек тилида, — онамни топишимга ёрдам берсангизлар...

Чехрасида лобарлик барқ уриб турган бу аёлнинг рус миллатига мансублигига шубҳа йўқ, аммо исм-шарифи крим-татарча, ҳаммасидан ҳам ҳайратланарлиси — сиз ва бизнинг она тилимизда сиз ва биздан яхшироқ ва тозароқ гапирарди.

Уни ўтиришга таклиф этдим.

— Тарихим жуда узоқ ва чигал, — деди ва бошидан ўтганларини маънос кўзларини, ота-онанинг кимлиги-гапира кетди.

Унинг асли исми Надежда, яъни Надя эди. Аммо ўша пайтларда жуда ҳам ёш бўлганлиги учун қайси манзилда яшаганларини, ота-онанин кимлигини билмайди. Люба деган опаси, Витя деган акаси борлигини элас-элас эслайди.

— Ким билади, балки ота-онам ўртасида келишмовчилик чиқандир, улар ажралишиб кетишгандир — бу менга қоронғу. Онамни, агар адашмасам, Нина деб чақирарди.

Ўша кунни ҳам опам Люба мени нима учундир қўйиб юборгиси келмади. «Синглим, кетмагин, сенга

яқинда чақалоқ олиб келиб бераман», — деб ялинди. Аммо онам ҳамма кийим-кечакларимни катта сумка (жомадон бўлиши ҳам мумкин)га жойлаб, мени эргаштирганча чиқиб кетдилар.

Қишлоғимиз қаерда эканлигини ҳам эслолмайман. Уйимиздан чиққандан кейин кенг дала бўлгучи эди. У ерда помидор ўсармиди, қарамми — бу ҳам эсимда йўқ, аммо пахта эмаслиги аниқ.

Ана шу дала йўлидан узоқ юриб, ниҳоят катта йўлга чиқдик. Автобусга ўтириб шаҳарга келдик. Хиёли эслаймади, темир йўл шоҳбекатимиди ёки автобекатми, ҳар ҳолда шунга ўхшаган одамлар гавжум жойда онамнинг бир танишини учратдик. Бир кеча ўша одамникида тунаб қолдик.

Эртаси кунни яна ўша шоҳбекатга чиқдик. Онам менга:

— Қизим, бир дақиқа шу ерда ўтириб тургин, тезда қайтиб келаман, — деб қаёққадир кетдилар. Айтган муддатда қайтиб келолмадиларми, ёки менга беш дақиқа гўё бир соатдай туюлдими, ҳарқалай уларни топмоқчи бўлиб кетиб қолмадим. Шу-шу оназоримни бошқа кўрмадим...

— Кечирасиз, Надя, кўнглингизга оғир олмангу. Ўшанда онангиз атайлаб сизни ташлаб кетмаганмикин?

— Йўқ, менимча, ундай эмас. Агар шундай бўлганида, бояги катта сумкани ҳам олиб кетган бўлардилар. Тўғрими?

... Қайдам. Бу дунё жумбоқларга тўла.

Хуллас, тахминан беш ёшлардаги қизча онасини йиғлаб излаганча одамлар оралаб кетаверди, кетаверди. Узоқ юргач, унга бир аёл ва бир эркак дуч келди. «Ҳа, қизалоқ, нега йиғлаяпсан?» — деб сўрашди. Воқеани тушунгач, Надяни ўзлари билан олиб кетишди.

— Эҳтимол ўшанда улар мени ҳеч бўлмаса милицияга топширганлариди, балки онам топиб олармидилар...

— дейди Надя. — Ёирашира эсимда: улар ичкиликбоз кишилар эди. Шу боисдан ҳам тақдиримни ўйлашмаган. Мени ўзлари билан Пскентга олиб ке-

лишди. Бу ерда улар бировларнинг уйда мардикорлик қилишарди, девор уришарди, хуллас, нимани буюришса йўқ дейишмасди. Бир ой давомида бирга бўлдим.

Аммо ҳеч қанақа ҳужжатим йўқ. Шундан қўрқидими, ёки қиш келаётгани учун кийим-бош олиб беролмасликларини ўйлашдим — менга қоронғу. Ошхонага олиб келишди ва ўзлари ғойиб бўлишди.

Кечгача ўша ерда ўтиравердим. Чунки борадиган жойим йўқ. Ниҳоят, ҳамма тарқагач, идиш-товоқ ювиб юрган аёл менга эътиборини қаратди. Аҳволни билгач, бир кишига (менимча, бош ошпаз бўлса керак) юзланди. «Нима қиламиз, милицияга топширишга кеч бўлиб қолди», —



Рўзномамизнинг қадрли мухлислари!

Энди сизларга мурожаат қилмоқчимиз. Ораларингизда туғишганларини ахтараётган Надяга ёрдам бера оладиган, унинг кечмишидан хабардор бўлганлар бордир. Агар шундай бўлса, ёрдамнингизни дариг тутмайсиз, деб ишонамиз. Надя бугунги кунда Пскент шаҳридаги Бобур кўчасида жойлашган 25-уйнинг 2-хонадонидида истиқомат қиляпти.

Қуйида сизларга асқотиб қолар деган мақсадда аёлнинг беш ёшдаги суратини ҳам эълон қиляпмиз.

Раҳмон АЛИ.

«НАПОЛЕОН» ОПЕРАЦИЯСИ

Шу йилнинг 8 октябрдан 9 октябрга ўтар кечаси Охунбобоев туманида жойлашган 6-дўконда ўғирлик содир бўлган. Ҳар бири 215 сўму 80 тийин турадиган «Наполеон»

номли коньякдан 23 донаси ўмарилган. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай шу ҳудудда жойлашган 1-дўконда худди шундай ўғирлик бўлди. 48 дона «Наполеон» коньяги йўқолди.

ЧАЙҚОВЧИЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

2-3 ноябрда Фаргона шаҳридаги бозорда ўтказилган рейдда 50 дан ортиқ қонунбузарлар аниқланди.

да пуллаётганида қўлга тушди.

1961 йилда туғилган Азиз Мирзабобоева 7 дона француз соябони, 37 дона хоризда ишланган аёллар ич кийими ва 29 дона япон атторлик буюмларини чайқов нархи-

1961 йилда туғилган Дони Абдурахимова эса тўқимачилик комбинатида ишлашига қарамай чайқовчилик қилишга аҳд қилган. Болалар калготкалари, пайпоқлари билан ушланган бу

Милиция капитани М. Исомиддинов бошлиқ оператив гуруҳ ишга киришди. 10 кун деганда Наманган шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам уч марта судланган Тоштемир қўлга олинди.

аёл ўз ҳатти-ҳаракатларини изоҳлай олмай овора. Тожихон Рустамова эса «Онал», «Лоск», «Астра» сигареталарини 3-6 сўмгача пуллаётганида ВХСС ходимлари, томонидан ушланди.

ҲАКИМИЙ.

ОМБОРДАГИ ЎҒРИ

Шу йилнинг 13 августдан 14 августга ўтар кечаси Қува тумани умумий овқатланиш корхонасининг қорувули ИИБ ҳузурдаги соҳчилик бўлимасига сим қоқди.

нилан, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1951 йилда Қувада туғилган Аминжон Шодиев бўлиб чиқди.

Милиция кичик сержанти С. Жўраев, милиция капитани З. Ашуров, милиция лейтенанти Р. Ортиқовлар зудлик билан воқеа жойига йўл олдилар.

Терговда жиноятчининг бир кун аввал—12 августда шу корхонага ўғирликка тушиб, 2 та палосни ўмаргани, нотаниш кимсага 300 сўмга сотиб юборгани ҳам маълум бўлди.

Корхонанинг 1-омборига ўғирликка тушган шахс қўлга туширилди. У илгари уч марта судланган, хавfli рецидивист сифатида та-

Қува тумани халқ суди жумҳурият ЖМнинг 114-модаси 3-қисми билан А. Шодиевни 6 йилга озодликдан маҳрум этди.

Маҳмаджон ТУХТАСИНОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни
босмаховаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир уринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
Республики Узбекистан
26399 нусxada чоп этилди.